

Иш рақами - [REDACTED]
Биринчи инстанцияда раислик
қилган судья – Д.Олимов

Кассация инстанциясида
маърузачи судья – А.Инамов

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил февраль ойининг 13 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Д.Мадаминов,

ҳайъат судьялари: Б.Бабамирзаева ва А.Инамовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчилари Б.Бойзаков, Л.Хожашбаеванинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори Б.Маруфов, судланган А.Анинг ҳимоячиси – адвокат Н.Асатуллаев, жабрланувчи Ё.А ва унинг вакили-адвокат Н.Жайлановларнинг иштирокида, А.А.Бга оид жиноят ишини жабрланувчи Ё.Анинг шикоятига асосан кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2024 йил 28 октябрдаги ҳукмига кўра:

А.А.Б,

[REDACTED] шаҳарда туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, мавсумий ишчи, муқаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман судининг 2021 йил 8 сентябрдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига;
2. Жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2022 йил 1 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар судининг 2023 йил 1 майдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 3 йил 11 ой 23 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга аҳолоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;



25-бандида, фирибгарлик натижасида олинган, шунингдек иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган жабрланувчига тегишли пул ва бошқа қимматликлар ЖПК 211-моддаси 4-бандига кура, ўз эгасига қайтариб берилиши лозим, пул ва бошқа қимматликлар улар эгасининг ташаббуси билан, била туриб, пора предмети сифатида берилган ҳоллар бундан мустаснолиги, **пул ва бошқа қимматликлар топилмаган ҳолларда уларнинг суммаси ёки пул бирлигидаги қиймати суд томонидан жабрланувчи ёки давлат фойдасига ундирилиши** ҳақида тушунтириш берилган.

Жабрланган Ё.А кассация инстанция судида, ҳақиқатдан ҳам ўғли Б.Аббасовга тегишли бўлган “Cobalt” русумли автомашинани пул керак бўлиб қолганлиги сабабли сотмоқчи бўлиб, икки маротаба автомашинани бозорга олиб чиқиб, автомашинани сотолмаганини, 2024 йил 10 сентябрь куни ўғли Ш.Аббасов ва А.А бирга гаплашиб, автомашинани ўзаро 6.800 АҚШ долларга келишганликларини, А.А олдиндан 800 АҚШ доллар пул бериб қолган 6.000 АҚШ доллар пулни 2024 йил 14 сентябрь куни беришини айтганини, эртаси куни Наманган шаҳарга тушиб, автомашинани А.Анинг жияни С.А номига автомашинани сотиш ҳуқуқи билан ишончнома қилдириб берилганини, А.А унга автомашинани банк орқали сотиб, пулини қилиб беришини айтганини, сўнг А.Ани тополмаганини, кейинчалик билса А.А автомашинани Ж.Ага 5000 АҚШ долларида сотиб, автомашинани нотариус орқали Ж.А номига ўтказиб бериб, пулларни унга бермаганлиги ҳақида;

судланган А.Анинг судда, 2024 йил 10 сентябрь куни Ё.Анинг яшаш хонадонига бориб, у билан унинг яшаш хонадонидан автомашинасини 6.800 АҚШ доллар пулга келишиб, олдиндан 800 АҚШ доллар пулни бериб, қолган 6.000 АҚШ долларни 2024 йил 14 сентябрь куни беришни ваъда қилиб, тилхат ёзиб бергани, сўнг 2024 йил 11 сентябрь куни Янги Наманган туманида жойлашган нотариусга бориб, жияни С.Анинг номига автомашинани сотиш ҳуқуқи билан ишончнома қилдиргани, эртаси куни Жаҳонгир исмли шахсга “Cobalt” русумли автомашинани 5.000 АҚШ долларга ўзаро келишиб нақд пулга сотиб, нотариус орқали автомашинани унинг номига расмийлаштириб бергани, пулларни олиб Ё.Ага бермасдан ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани ҳақида;

гувоҳ С.А дастлабки терговда, А.Абдуазизов уни қариндоши эканлиги, 2024 йил сентябрь ойларида, А.Абдуазизов уни номига Кобальт русумли автомашинани сотиш ҳуқуқи билан ишончнома расмийлаштирганлиги, кейин ушбу автомашинани А.Абдуазизов нотариус орқали Ж.А 5.000 АҚШ долларида сотганлиги, у нотариус айтган ҳужжатларга имзо қўйиб берганлиги, ушбу ҳолатда у манфаатдор бўлмаганлиги ҳақида;

гувоҳ Ж.А дастлабки терговда, 2024 йил 12 сентябрда А.Абдуазизовдан Кобальт русумли автомашинани 5.000 АҚШ долларида сотиб олиб, ўзини номига нотариус орқали расмийлаштириб олганлиги, сўнг ўзи ҳам автомашинани Махмуда исмли аёлга “Нексия-2” русумли автомашинасига алшмаштириб олганлиги, А.Абдуазизов унга автомашина ўзига тегишли



эканлигини автомашинани муаммоси йўқлиги айтганлиги сабабли у автомашинани сотиб олганлиги ҳақида кўрсатув берган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, Б.Аббасовни номида бўлган “Кобальт” русумли, давлат белгиси **рақамли автомашина ҳозирда, бошқа шахсларга сотилиб, нотариал тартибда расмийлаштирилиб, автомашина бошқа шахсларни номига бегоналаштирилганлиги аниқланди.

Шу сабабли, кассация инстанцияси судланган А.Ага оид суд ҳукмини ўзгаришсиз, жабрланган Ё.Анинг кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 509⁶, 509⁷, 509⁹, 509¹⁰- моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

А.А.Бга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Янгиқўрғон туман судининг 2024 йил 28 октябрдаги ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисми ўзгаришсиз, кассация шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:

имзо

Д.Мадаминов

Ҳайъат судьялари:

имзо

Б.Бабамирзаева

имзо

А.Инамов

Ажрим нусхаси аслига тўғри,
вилоят суди судьяси

А.Инамов

